


Моддий ва маънавий зарарни ундириш тушунчаси



Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларини таъминлашда барча ҳуқуқ соҳалари қатори фуқаролик ҳуқуқининг ҳам муҳим ўрни бор.

Жумладан, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқарога етказилган маънавий зарарнинг ўрнини пул шаклида қоплаш институти ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг энг муҳим фуқаролик-ҳуқуқий воситаси

ҳисобланади.

Маънавий зарарни қоплашга оид нормалар фуқаролик қонунчилигига мамлакатимиз мустақиллиги қўлга киритганидан сўнг киритилган бўлиб, унга қадар қонун маънавий зарарни ундиришликни кўзда тутмаган. Буни эса оддий бир ҳолат билан, яъни фуқаронинг шахси шу даражада “юксак” ҳисобланганки, бу шахсга етказилган маънавий зарарни пул билан баҳолаш асло мумкин эмаслиги билан асослашга ҳаракат қилиб келинган.

Бугунги кунда мафкура, сиёсат, ҳуқуқ кабиларга нисбатан қарашлар, нафақат қарашлар балки устқурма сифатида уларнинг туб моҳияти тубдан ўзгариб бориши баробарида бу соҳада моддий ва протсессуал ҳуқуқ нормаларни янада такомиллаштириш мақсадида ривожланган давлатларнинг қонунчилиги ўрганилиб, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплар миллий қонунчилигимизга сингдирилиб, амалдаги қонун ҳужжатларида етказилган руҳий ва жисмоний азоблар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик белгиланди.

[Мақолани ўқиш ва юклаб олиш учун](#)